

Дунёда энг кулай ва осон иш нима, деб сўрагон кишига «тиётручилик» деб жавоб берсак, алхак ўрокдек тўгри жавоб берган бўламиз. Воқеан, агар тиётручилик бир култ сув ичишдек осон бўлмасайди, бу кунларда шахримизнинг ҳар бир гадои топмас кўчасида ҳафтада уч катла тиётруни томоша қилишга мушарраф бўлмас эдик. Тиётручилик раҳматлик «Мармархон пистадахон»нинг масҳарабозлигидек кулай бир ўйун бўлмаса эди, «олма пиш, оғзимга туш!», деб юргонларимиз бу кунларда тиётру бошлиғи ва ўйун қулғуни тушларида кўрмаганларимиз, ҳолис ўйунчилик мақсади билан маърақага чиқиб, «арзи андом» қилмагон бўлурлар эди. Яшасин саноеъи нафиса билан ўйнагувчи тиётручиларимиз! Яшасун ўлиб кетган эски масҳарабозликларимизни тургузгувчи ўйунчиларимиз!

Сўнгги вақтларда Самаркандимизда бир неча Исонафас ўртоқларимизнинг йўлбошчилиғи қўланкасида тиётру ишлари бирдан жонланиб кетди. Уста кўрмаган шогирдларимиз сахнага чиқиб эшитилмаган мақомларда ўйнай бошладилар. Базм мажлисларидан фойдаланиб юргон халкимиз бундай қизик тиётруларни қилла ўтириб томоша қилишдан ҳам зерикмайтурсон бўлди. Энди умид этиладирким, яқинда шахримиз Ўзбекистоннинг сиёсий маркази бўлиши билан баробар, тиётручилик жихатидан ҳам марказлик рўлини ўйнамоққа киришар.

*Ботурбек*

*«Машраб», 1925 йил, 18-сон*